

# **MCHJ «MASLAXATAUDIT-M» AT**

Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шаҳри, Байналминалчилар-5,  
АТ Ипотека банки Жиззах вилоят филиали МФО 00122, х/р.20208000404136258001, СТИР 203679800, ОКЭД 74120,  
Телефакс: (8372) 226-55-78 . тел. +99897-325-51-59 Эл. почта Maslaxataudit@mail.ru . www.Audit-m.uz

№.....

16.03.2019 й.

Жиззах шаҳри

“Jizzax hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” AJ  
акциядорларига

“Jizzax hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” AJ нинг  
2018 йил якуни “Молиявий ҳисоботи”га

## **ижобий фикр билдирилган АУДИТОР ХУЛОСАСИ**

Ушбу аудиторлик хулоса “Jizzax hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” AJ акциядорлари учун тайёрланди. Жамият Жиззах шаҳри, Навруз махалласи, Боғзор кўчасида жойлашган. Х.р 20210000900304459001, АТБ Узсаноаткурилишбанк Жиззах вилояти филиали, МФО 01152, СТИР 100344721 ОКОНХ 11170.

Мен, МСНЖ shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилотининг аудитори Бустонов Н. (*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №04913-ракамли аудиторлик малака сертификати 22.01.2011 йилда берилган, 22.01.2022 йилгача мuddати узайтирилган*) томонидан хўжалик юритувчи субъект “Jizzax hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” AJ нинг 2018 йил 1 январдан 2018 йил 31 декабргача даври учун тузилган 1-шакл «Бухгалтерия баланси» ва 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», “Пул оқимларитўғрисидагит ҳисобот” ва “Хусусий капиталнинг ўзгариши тугрисидаги” ҳисоботардан иборат бўлган 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги “Молиявий ҳисоботи”нинг ишончилигини 2019 йил 10 сентябр кунини тузилган № 160-сонли шартномага асосан мажбурий тарзида аудиторлик текширувидан ўтказдим.

МСНЖ shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» АТга Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2001йил 26 июлда берилган №658-сонли гувоҳнома ва аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан 2014 йил 31 январда 00261-сонли лицензия берилган. Юридик манзил: Жиззах шаҳри, Байналминал кучаси, 5-уй. Ҳисоб-рақами 20208000404136258001, “Ипотека банк” АТИБнинг Жиззах филиали, МФО 00122, ИИН 203679800, ОКОНХ 84400. “Кафолат” СК томонидан 2019 йил 5 январда №0282689 ракамли суғурта полиси берилган.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувиге асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз “Jizzax hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” AJ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб



ўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомда олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект “Jizzax hududiy elektr tarmoqlari korxonasi” АЖ нинг 2018йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi  
«MASLAXATAUDIT- M» auditorlik tashkiloti**

**Директори  
Аудитори**

**16.03.2019 й.**



**Гулбаев М.  
Бустонов Н.**